



Ҳ У К М
Ўзбекистон Республикаси номидан

2012 йил 16 январь куни жиноят ишлари бўйича Касби туман судининг биносида очик суд мажлиси бўлиб, суд раиси Н.Абдуллаевнинг раислигида, халқ маслаҳатчилари Ю.Бўронов ва М.Шариповалардан иборат таркибда, Д.Ғаффоровнинг котиблигида, тарафлардан Касби туман прокурори ёрдамчилари Ф.Жумаев, М.Маматов ва адвокат М.Холисованинг иштирокида Жиноят кодекси 210-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан Икрамов Отабек Абдирасуловичга оид 1-231-сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

Икрамов Отабек Абдирасулович - 1978 йил 22 октябрда Қарши шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам ЖИБ Қарши шаҳар судининг 10.09.2010 йилдаги ажримига асосан 205-моддасининг 1-қисми ва 209-моддасининг 1-қисми билан бўлган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2010 йил 28 августдаги Амнистия Қарорига асосан тугатилган, Қарши шаҳар хўжалик ҳисобидаги ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати бош муҳандиси вазифасида ишлаган, Қарши шаҳар Муяссар кўчаси 17 уйда яшаган, 2011 йил 13 октябрдан қamoқ эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосани 2011 йил 24 октябрда олган.

Суд ҳайъати, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, иш бўйича тўпланган далилларни текшириб, муҳокама қилиб ва уларни баҳолаб, тарафлар музокарасини тинглаб қуйидагиларни аниқлади:

Судланувчи Икрамов Отабек Абдирасулович Қарши шаҳар хўжалик ҳисобидаги ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати бош муҳандиси вазифасида ишлаб келиб, мансабдор шахс бўлгани ҳолда ўзининг хизмат вазифасига кадастр ҳужжатларининг қонуний расмийлаштирилишини ташкиллаштириш ва назорат қилиш кирсада, Қарши шаҳар Қўрғонча маҳалла фуқаролар йиғини Хуррият кўчаси 35-уйда яшовчи Ражабов Акмал Акбаровични ўзи яшаб келган уйнинг кадастр ҳужжатларини тайёрлаб бериши тўғрисида мурожаат қилиб келганлигидан фойдаланиб, таъмагирлик йўли билан ундан уйнинг кадастр ҳужжатларини тайёрлаб бериши эвазига 1.500.000 сўм пулларни пора тариқасида талаб қилиб, Ражабов Акмал Акбарович 1.500.000 сўм пулларни беришга имконияти йўқлигини тушунтириб, ушбу суммани камайтиришни илтимос қилганида, 1.000.000 сўм беришига рози бўлиб, шундан 200.000 сўмини 2011 йил 9



октябрь куни Қарши шаҳар Қарлиқбоғот маҳалласида жойлашган гўшт дўкони сотувчиси Халилов Алишер орқали олиб, қолган 800.000 сўм пулларни пора тариқасида беришини талаб қилиб келиб, ушбу қилмиши билан Жиноят кодекси 210-моддаси 2-қисмининг “в” бандида назарда тутилган жиноятни содир этган.

Судланувчи Икромов Отабек Абдирасулович судда айбига қисман иқрор бўлиб, 2000 йилдан буён Қарши шаҳар хўжалик ҳисобидаги ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизматида турли вазифаларда ишлаб келганлиги, 2011 йил 3 октябрь кунидан бош муҳандис вазифасида иш бошлаганлигини, 6 октябрь куни соат 9-00 ларда ёнига Ражабов Акмал исмли йигит келиб амакисининг номида бўлган Қарши шаҳар Хуррият кўчасида жойлашган 37-уйга тегишли бўлган Қарши шаҳар ҳокимининг қарорларини олиб келиб ушбу уйни кадастр ҳужжатларини тайёрлаб беришни илтимос қилганлигини, ушбу уйда яшаб келаётганлигини айтгани, уйнинг ҳужжатлари билан танишиб, кадастр ҳужжатларини тайёрлаб бўлмаслигини, ҳужжатларни муддати ўтганлигини, имконини қилиб кўришини, керакли жойдан керакли одамлар билан гаплашиб кўришини, иложи бўлса шу ишни қилиб беришни айтиб ҳужжатларни олиб қолиб тушдан кейин 15-00 ларда хабар олишини айтиб, идора қабулхонасининг телефон рақамини берганлиги, Ражабов Акмал тушдан кейин келганида ҳеч ким билан гаплаша олмаганлигини, сўнг 7 октябрь куни келишини айтиб қўл телефони рақамини берганлигини, 7 октябрь куни кўнғироқ қилганида керакли одамлар билан гаплашганлигини, эртага келишини айтганлигини, 8 октябрь куни тушлик вақтида келганида унга ҳужжатларга 12 та одамга имзо қўйдириш кераклигини, шу ҳужжатларни тайёрлаб келса ишини қилиб беришни айтганида Акмал унга “ҳаммасини ўзингиз ҳал қилиб беринг, қандай ёрдам бўлса ҳаммасини ўзим қилиб бераман” деганида унга харажати кўпроқ бўлишни айтиб калькуляторда 1.500.000 сўм деб ёзиб оғзаки ҳам айтганида Акмал ушбу сумма унга оғирлик қилишини айтганида, 1.000.000 сўмга келишишгани, бундай деб айтишига сабаб Хамза ака деган кишидан 1.500.000 сўм пулни бир ҳафтага қарзга олганлигини, Хамза ака пулни сўрагани учун у кишига “қилиб бераман” деганлигини, шу сабабли Акмалга “1.500.000 сўм бўлади” деб айтганлигини, пулни Хамза акага қарзи эвазига бермоқчи бўлганлигини, 20 кун, бир ойда Акмал айтган ишни ҳам қилиб бермоқчи бўлганлиги, пулларни Акмалдан алдаб олганлиги, 9 октябрь куни соат 10-00 ларда Акмал унга кўнғироқ қилиб ҳужжатлар нима бўлганлигини, 2-3 кун ичида қилиб беришни, ҳозирча 200.000 сўм борлигини, ушбу пулни олиб ишларни қилаверишини қолганини ҳам қилиб беришни, иши жуда зарурлигини айтганлигини, унга узоқроқда эканлигини, иши зарур бўлса пулни “Наврўз” чойхонаси ёнидаги чоррахадаги гўшт дўконида савдо қиладиган Алишер исмли қассобга олиб бориб беришини айтганлигини, сўнгра Акмал ушбу 200.000 сўм пулни дўконга ташлаб кетганлигини, ишдан қайтгунча Алишердан пулларни олганлигини, 10 октябрь куни Акмал қолган 800.000 сўм пулни ҳам ишхонасига олиб келганлигини,



лекин Акмалдан қолган пулни сўрамаганлигини, ўзи олиб келганлигини, пулни олиб келганида олдида одамлар кўп бўлганлиги учун Акмалга ташқарида кутиб туришини айтганлигини, шунда бошлиғи чақириб топшириқ берганлиги учун Акмалга янги қурилаётган банкни олдида бориб туришини, олдида 702 давлат рақамли Нексия автомашинаси боришини айтиб қочиб кетганлигини, шунчаки хаёлига шу рақам келганлиги учун шундай деб айтганлигини, эртаси куни 11 октябрь куни Халилов Алишерни уйига бориб 200.000 сўм пулни онасига бериб кетганлигини, пулга мухтож бўлганлиги учун шу ишни қилганлиги, қилмишидан пушаймонлигини айтиб, суддан енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи Ражабов Акмал ўз кўрсатувида, савдо ишлари билан шуғулланишини, ҳақиқатан ҳам 2011 йил 6 октябрь куни соат 9-00 ларда Қарши шаҳар хўжалик ҳисобидаги ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати идорасига бориб Икромов Отабек исмли ходимга учрашиб, амакиси Ражабов Ахрорнинг номига ер ажратиш ҳақидаги Қарши шаҳар хокимининг қарори ва қурилиш шартномасини кўрсатиб, ушбу уйни ҳужжатларини расмийлаштириб беришни илтимос қилгани, шунда О.Икромов ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, ушбу ҳужжатларни муддати ўтганлигини, имконини қилиб кўришини, керакли одамлар билан гаплашишини, иложи бўлса қилиб беришини айтиб идорасини телефон рақамини бериб соат 15-00 ларда кўнғироқ қилишини айтганлигини, яна уни олдида бориб учрашганида у “ҳеч ким билан гаплаша олмайман, иш қийин экан, катта гапира олмайман, эртага гаплашамиз” деб қўл телефони рақамини бериб “кўнғироқ қилиб сўрайсиз” деганлигини, эртаси куни унга кўнғироқ қилиб сўраганида у “гаплашдим, эртага тушлик вақтида келсанг сен билан гаплашамиз” дегани учун эртаси куни уни хизмат хонасига борганида уни яққол пора талаб қилаётганлигини сезиб, телефон аппаратини овоз ёзиб олиш диктофонини қўшиб уни олдида кирганлигини, Отабек ака унга “иш жуда қийин экан, хокимиятдан 12 та одамга имзо қўйдириб, қарорни чўздириб келаоласанми” деб айтганида, унга таниши йўқлигини, ўзи ҳал қилиб беришини, қандай ёрдам бўлса қилиб беришни айтганлигини, Отабек эса унга “харажати кўп бўлиб кетади” деганида қанча бўлишни сўраганида у стол устида турган калькуляторни олиб 1.500.000 сўм деб ёзиб шунча харажат бўлишини айтганлигини, унга 800.000 сўмларга имкони борлигини айтганида у “сен учун 1.000.000 сўм” деб айтганлигини, рози бўлиб кетаётганида пулни тезлаштиришни ҳам айтганлигини, у пора талаб қилганлиги учун МХХ бошқармасига телефондаги ёзувларни тақдим қилган ҳолда ариза билан мурожаат қилганлигини, 9 октябрь куни Отабекка кўнғироқ қилиб ишлари нима бўлаётганлигини сўраб 200.000 сўм пули борлигини, ҳозирча шуни олиб туришни қолганини ҳам кечгача етказишини айтганида у бу сумма камлигини айтганлиги, унга савдодан тушган пулларни ҳамда қарз олиб қолганини етказишини, 200.000 сўмни олдида олиб боришини сўраганида, у “олиб келма, бир жойни айтаман ўша ерга олиб борасан” деб Наврўз чойхонаси ёнидаги чорраҳада гўшт сотадиган Алишер исмли қассобга



олиб бориб беришни айтганлигини, сўнгра Отабек айтган қассобни олдига бориб телефонда уларни гаплаштириб пулни унга бериб қайтганлигини, 10 октябрь куни қолган 800.000 сўм пулни олиб Отабекни иш жойига борганида уни хизмат хонасида фуқаролар кўплигини, Отабек унга ташқарида кутиб туришини айтганлигини, фуқаролар чиқиб кетишганидан сўнг уни хонасига кирганида олдида Каримов Шароф билан иккаласи борлигини, унга маҳалладан маълумотномани ва пулни олиб келганлигини айтганида бошлиғи кўнғироқ қилиб уни чақирганлигини, шунда у “пуллар ўзингда туриб турсин” деб чиқиб кетганлигини, унга кўнғироқ қилганида янги қурилаётган банкни олдига бориб туришни, олдига одам жўнатишини айтиб, аслида ҳеч кимни юбормаганлигини, бошлиғи билан чиқиб кетганлигини, 1-2 соат кутганлигини у эса келмаганлигини, унга ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, давлат қандай чора кўрса кўраверишни билдирди.

Гувоҳ Собиров Жасур судда, ҳақиқатан ҳам Қарши шаҳар хўжалик хисобидаги ер мулк кадастр хизматида архивариус бўлиб ишлашини, Икромов Отабек ҳам шу идорада бош мутахассис бўлиб ишлаганлигини, идорага кўплаб фуқаролар мурожаат қилганлиги учун фуқаро Ражабов Отабекни танимаслигини, кейинчалик эшитишича А.Ражабов кадастр хизмати ходими Икромов Отабекка учрашиб яшаш уйининг кадастр хужжатларини тайёрлаб беришни сўраганида у хужжатларни тайёрлаб бериш эвазига пул сўраганлиги, якка тартибда уй-жой қуриш учун Ражабов Ахрорни номига ер ажратиш ҳақидаги 1989 йилдаги Қарши шаҳар ижроия кўмитасининг 2 нусхадаги қарори ва 10.10.2011 йилда Раджабов Ахрорнинг паспорт нусхаси ва Кўрғонча маҳалла фуқаролар йиғинининг А.Ражабовнинг номига берилган маълумотномасини О.Икромов бошлиқ Хушвақтовнинг хонасида “бу хужжатлар низоли, архивда турсин, эгаси келиб олиб кетади” деб топширганлигини, жавоб хатлари улар орқали қилинишини билдирди.

Судда гувоҳ Каримов Шароф ҳақиқатан ҳам Қарши шаҳар хўжалик хисобидаги ер мулк кадастр хизматида бошлиқ ўринбосари бўлиб ишлашини, Икромов Отабек ҳам 2011 йил 3 октябрь кунидан бошлаб синов муддати билан бош муҳандис вазифасига тайинланганлиги, улар битта хонада ишлашларини, 2011 йил 6 октябрь куни Ражабов Акмал исмли фуқаро Икромов Отабекка уйининг кадастр хужжатларини тайёрлатиш учун оғзаки мурожаат қилиб келганлигини, Отабек бу уйни хужжатларини тайёрлашни иложи йўқлигини тушунтирганлигини, у эса пахта териш мавсуми бўлганлиги учун одамларни ташкиллаштириш учун ўзи иши билан чиқиб кетганлигини, кейинчалик Отабек А.Ражабовдан хужжатларни тайёрлаб бериш эвазига пул талаб қилиб, 200.000 сўмини олганлигини эшитганлиги, лекин уни бу ишлардан хабари йўқлигини, ушбу уйнинг хужжатларини унга Икромов Отабек ёки Ражабов Акмал кўрсатмаганлигини, Отабек ундан олиб хужжатларни архивга топшириб юборганлигини айтиб кўрсатув берди.



Судда қўшимча гувоҳ Қурбонов Эшқувват ўз кўрсатувида вилоят ер мулк кадастр хизмати бўлимида ер ажратиш бўлими бошлиғи бўлиб ишлашини, Икрамов Отабекни кадастр хизматида ишлаганлиги учун яхши танишини, унга нисбатан адовати йўқлигини, бошқа кишининг номида бўлган уй жойни иккинчи бир бошқа шахснинг номига ўтказиб бериш кадастр хизмати ваколатига кирмаслигини, Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан ҳокимликда комиссия ташкил қилинганлигини, комиссия 11 кишидан 15 кишигача бўлган таркибда фаолият олиб боришини, комиссияга туман ҳокими ёки қурилиш бўйича ҳоким ўринбосари раислик қилишини, комиссияга мурожаат қилган шахснинг ҳужжатлари комиссия аъзолари томонидан ўрганиб чиқилиб, ҳужжатлар қонуний бўлса қарор чиқариб берилиши, нотўғри бўлса ёки ҳужжатларда камчиликлар бўлса бу ҳақда хулоса берилиши, Икрамов Отабек комиссияга аъзо эмаслигини, агарда бирор бир фуқаро ҳужжатларни тўғрилаб бериш учун Икрамов Отабекка мурожаат қилганида ҳам у комиссиянинг қарори ёки хулосасисиз ҳужжатларни тўғрилаб бера олмаслигини, кадастр хизматида дастлаб ариза бир ойна бўлимига келиб тушишини, бир ойна бўлими ушбу аризани бошлиққа олиб киришини, бошлиқ кимнинг номига устхат қўйиб берса ўша ходим шу ариза билан шуғулланишини, шунингдек, кадастр хизмати ходими мурожаат қилган шахсга ушбу масалада ҳокимликка мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтириб ўтиши лозимлиги, мурожаат қилган шахсда ҳоким қарори ёки олди-сотди шартномаси бўлсагина кадастр ҳужжатини қилиб бериш мумкинлигини, ушбу ҳужжатлар бўлмаса Икрамов Отабек уни ҳужжатларини қилиб бера олмаслигини билдирди.

Суд ҳайъати, судланувчи Икрамов Отабек Абдирасуловичнинг айби, унинг ўз айбига қисман иқрор бўлиб берган кўрсатувидан ташқари, суд мажлисида сўралган гувоҳларнинг кўрсатуви, А.Ражабовнинг аризаси ва тушунтириш хати, стенограмма /и.в. 5-12/, ашённи олиш баённомаси /и.в. 61/, юзлаштириш баённомаси /и.в. 115-119/, ҳужжатларни кўздан кечириш ва олиш баённомаси, илова ҳужжатлари /и.в. 132-143/, ашёвий далил деб эътироф этиш қарори /и.в. 144/, сўзлашувларни эшитиб қўриш баённомаси /и.в. 147-149/ ва ишда тўпланган бошқа далиллар билан тасдиғини топган деб ҳисоблайди.

Гарчанд, судланувчи Икрамов Отабек Абдирасулович айбига қисман иқрор бўлиб, “пулларни Ражабов Акмалдан алдаб олганлигини, ушбу пулларни қарзи эвазига Ҳамза акага бермоқчи бўлганлиги” ҳақида билдирсада, суд унинг важларини иш бўйича ҳақиқатга мувофиқ келмайди ва ишончга сазовор эмас деб ҳисоблаб, рад қилишни лозим топди.

Суд, судланувчи Икрамов Отабек Абдирасуловичнинг ҳаракати дастлабки тергов органи томонидан Жиноят кодекси 210-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан тўғри квалификация қилинган деган хулосага келди.

Жиноят кодексининг 7-моддасида “Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишнинг олдини олиш учун зарур ва етарли бўлган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий



таъсир чораси қўлланилиши кераклиги”, 8-моддасида “Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилонга бўлиши, яъни жиноятнинг оғир енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги” белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин”, 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги қайд қилинган.

Шу Пленум қарорининг 45-бандида “Жиноят кодексининг 45-моддасига мувофиқ, айбдор ўзи эгаллаган лавозим ёки хизмат фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳолда жиноят содир этган ҳар бир ҳолда, суд, жиноятнинг хусусиятидан келиб чиқиб, маҳкумни у ёки бу мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласини муҳокама қилиши” лозимлиги кўрсатилган.

Суд, судланувчи Икрамов Отабек Абдирасуловичга нисбатан жазо тури ва меъёрини тайинлашда айбига қисман иқрорлигини, қарамоғида 3 нафар фарзанди борлигини, оилада асосий боқувчи эканлигини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини – жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида баҳолаб, унинг ҳаракатларида – жазони оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд эмас деган хулосага келиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори ҳамда 1999 йил 24 сентбрдаги “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 19-сонли Қарори тушунтиришларига амал қилиб, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятини эътиборга олган ҳолда, унга ЖК 210-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, шу Кодекснинг 45-моддасини қўллаб, муайян ҳуқуқ яъни мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш қўшимча жазоси тайинлашни, асосий жазо муддатини 2011 йил 13 октябрдан бошлаб ҳисоблашни, жазони умумий тартибли колонияларда ўтатиришни, мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш туридаги қўшимча жазони ҳукм қонуний кучга кирган вақтдан бошлаб ҳисоблашни, унинг эҳтиёт чорасини аслича қамоқда қолдиришни лозим топди.

Суд, ашёвий далил масаласини муҳокама қилиб, Қашқадарё вилоят Марказий банк Бош бошқармасига вақтинча сақлаш учун топширилган, 200.000 (икки юз минг) сўм пулларни Жиноят-процессуал кодексининг 211-моддаси 4-қисмига асосан жабрланувчи А.Ражабовга қайтаришни,



О.Икрамов билан А.Ражабов ўртасида бўлиб ўтган суҳбат ёзилган 1 дона CD дискни жиноят иши билан бирга сақлашни, О.Икрамовнинг хизмат хонасидан ҳужжатлаштириб олинган “Кенко” номли электрон калькуляторни ҳукм қонуний кучга киргач йўқ қилишни лозим топди.

Юқорида баён қилинганларга ва Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 460, 462, 463, 465-468, 471-473-моддаларига қўлланиб, суд ҳайъати

ҳ у к м қ и л д и :

Судланувчи Икрамов Отабек Абдирасулович Жиноят кодекси 210-моддаси 2-қисмининг “в” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин ва унга шу модда 2-қисмининг “в” банди билан 5 (беш) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси, Жиноят кодекси 45-моддасига асосан 1 (бир) йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазоси тайинлансин.

Тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси умумий тартибли колонияларда ўтатирилсин. Асосий жазо муддати 2011 йил 13 октябрдан бошлаб ҳисоблансин. Унинг эҳтиёт чораси аслича қамоқда қолдирилсин. Қўшимча жазо муддати ҳукм қонуний кучга кирган вақтдан бошлаб ҳисоблансин.

Қашқадарё вилоят Марказий банк Бош бошқармасига вақтинча сақлаш учун топширилган, ашёвий далил – 200.000 (икки юз минг) сўм пуллар жабрланувчи А.Ражабовга қайтарилсин.

Ашёвий далил – 1 дона CD диск жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ашёвий далил – “Кенко” номли электрон калькулятор ҳукм қонуний кучга киргач йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, маҳкум ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судига 10 кунлик муддат ичида апелляция тартибида ёки ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят беришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

Н.Абдуллаев

Ҳалқ маслаҳатчилари:

Ю.Бўронов

М.Шарипова

*Ҳукм раислик қилувчи томонидан маслаҳатхонада
“Репіт 4” русумли компьютерда ёзилди.*

